


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680–16.02.2018.
ISSN № 2181–9017

М У Н Д А Р И Ж А

БЕРУНИЙ ЎҚИШЛАРИ

Сўзбоши 3

1. **Аҳмедов А.** Беруний асарларини варақлаб 5
2. **Атаходжаев А.** Абу Райҳон Беруний-нинг қадимги зардуштий тақвимларини тиклашдаги ўрни 12
3. **Ahmad A.** Abu Rayhan al-Biruni as an Indologist: Views and Reviews 22
4. **Машарипова Г.** Абу Райҳон Беруний илмий меросида ижтимоий муносабатлар 28
5. **Хандамова М.** Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари 36
6. **Маҳмудов О.** Беруний асарларининг Европадаги дастлабки таржималари ҳақида 42
6. **Абдуллаев Б.** Ислом уламоларининг математика ва астрономия соҳасидаги фаолиятлари 50
7. **Абдуллажанова Н.** Абу Райҳон Беруний илмий меросининг тарихшунослигига доир 57
8. **Ёқубов Ф.** Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий фаолияти интеллектуал миграция контекстида 69

10. **Куранбаева У**. Абу Райҳон Берунийнинг “ал-Фиҳрист”идаги асарлар хусусида 75
11. **Равшанова М.** Проблема формирования личности в философии Абу Райхана Беруни и Кимура Бин..... 85

ЮБИЛЯРИМИЗ

1. **Жуманазар А.** Залвар (устоз Ашраф Аҳмедовнинг 80 ёшли юбилейига бағишланади) 92

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2019 йил 27 сентябрдаги 10-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баходиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

emergence as an outstanding scholar. In particular, the author explores Biruni's reason for leaving his homeland for the city of Kat, his short-term scholarly activity at the Ma'mun Academy in the city of Urgench and his life in the city of Ghazna. The political instabilities, internal conflicts and change of dynasties during this period in the territories of Mavarannahr and Khorasan forced Biruni to spend most of his life abroad. However, this process positively affected Biruni's work as examined in the context of intellectual migration. For instance, Biruni mastered Sanskrit during his trip to India and the eventual completion of his seminal work "India" about the history, customs and cultures of the Indian people.

Keyworlds: *Al-Biruni, intellectual migration, social mobility, Ma'mun Academy, Khwarazm, Ghazna, India*

.

У. Куранбаева

Абу Райҳон Берунийнинг "ал-Фиҳрист"идаги асарлари хусусида

Қомусий олим сифатида дунё аҳли эҳтиромига сазовор бўлган, Хоразм диёрининг фарзанди Абу Райҳон Беруний 973–1048 йилларда яшаб, фаолият юритган.

Машҳур шарқшунос олим, академик И.Ю. Крачковский (1883–1951) Беруний меросига юксак баҳо бериб: "У шуғулланган фан соҳаларини санаб ўтишдан кўра, шуғулланмаган соҳасини кўрсатиш осонроқ" дейиши бежиз эмас [22: 247]. Чунки, Беруний турли соҳаларда қалам тебратиб, ўзи тузган "ал-Фиҳрист"ига 113 та асари номини киритган, улардан 70 таси астрономияга, 20 таси математикага, 12 таси география ва геодезияга, 3 таси минералогияга, 4 таси картографияга оид. Олим бундан кейин 13 йил яшаган ва бу давр ичида яна 50 та китоб ёзган [24: 21].

Маълумки, П. Краус (1904–1944), Д. Буало (тав. XIX аср ох.), А.Беленицкий (1904–1993), П. Булгаков (1927–1993) каби берунийшунослар тадқиқотларида олимнинг асарлари сони 106, 113, 146, 180 та тарзида турлича ифодаланади [29: 43; 27: 170; 19: 285–286; 21: 289]. Аслида Беруний "Фиҳрист" ("Библиография")ида унинг нечта асари зикр этилгану, тадқиқотчилар юқоридаги сонларни қайси манба асосида қайд этишмоқда? Мақолада мазкур масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қиламиз.

Абу Райҳон Беруний ўз пайтида салафи бўлмиш фалсафа, кимё, тиб ва табиий фанлар бўйича йирик олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий (865–925) асарлари рўйхатини тузиб, "Фиҳрист кутуб Муҳаммад

ибн Закариё ар-Розий” (“Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий асарлари рўйхати”) деб номлаган [29; 13: 285]. Шунингдек, олим “Фиҳрист”да нафақат Розий асарлари, балки унинг ҳаёти ва фаолиятини ҳам ёритган. Беруний ўз шогирдларидан бирининг таклифи билан ушбу асарнинг иккинчи қисмида ўзи яратган асарлари номини ҳам келтириб, китобхонларга қулай бўлиши учун уларни таснифлаган, рўйхатнинг иккала қисмига ҳам қизиқарли сўзбоши ёзган [19: 285].

Рўйхатнинг тузилган вақти А. М. Беленицкий ва П.Г. Булгаковларда 427 ҳижрий йил охири, яъни мелодий 1036 йилнинг кузи [19: 285; 21: 281], Б.А. Розенфельд (1917–2008) ва Г.П. Матвиевскаяларда (тав. 1930) 427/1035–1036 йиллар деб кўрсатилганлар [15: 265]. А. Расулов (1888–1977) эса “Фиҳрист” сўзбошисида қайд этилган: “... тўрт юз йигирма еттинчи йилгача таълиф этишга тўғри келган китобларим [номлари] билан тугатаман”, каби жумлаларга асосланган ҳолда Беруний бу асарини 427/1035–1036 йилда тузган, деб ҳисоблаган [20: 230, 243]. Айни пайтда рўйхат тузилиш масаласида биз А. Расуловга эмас М. Беленицкий ва П. Булгаковларга таянамиз, чунки сўз юритилаётган асарнинг кириш қисмида Беруний: “[Ҳозир] қамарий ҳисобда ёшим олтмиш бешга, шамсий ҳисобда эса олтмиш учга тўлди” деб ўзи рўйхат тузган вақтни аниқ қайд этиб ўтган [20: 230].

Бугунги кунда “Фихрист кутуб Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий” асарининг ягона қўлёзма нусхаси Голландиядаги Лейден кутубхонасида 133/II инвентарьь рақами остида сақланади [21: 281]. XIX асрнинг 2 ярмида немис олими Э. Захау (1845–1930) Беруний “Фиҳрист”ни дунёга маълум ва машҳур қилган. Чунки, Э. Захау 1878 йил Лейпцигда биринчи марта “Осор ал-боқия мин ал-қурун ал-холия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) асарининг ўша пайтлари маълум бўлган учта қўлёзмаси асосида арабча матнини нашрга тайёрлаган ва унинг кириш қисмида Беруний “Фиҳрист”ини (фақат Беруний асарлари рўйхати билан) келтирган [17: XXXVIII–XXXXVIII]. Э. Захаудан кейин ушбу асарни: Г. Зутер (1848–1922) ва Э. Видеман (1852–1928), П. Краус (1904–1944), Д. Рушка (1867–1949), И.Ю. Крачковский (1883–1951), К.Э. Краффт (1900–1945), Р. Кюберт (1903–1987), С.Х. Ҳамарнеҳ (тав. 1925) ва бошқалар ҳам таржима ва тадқиқ қилганлар [21: 144].

1936 йилда Парижда П. Краус томонидан “Фиҳрист”нинг Лейден нусхаси асосидаги “Рисолати Беруни” (“Беруни рисоласи”) номи билан тўлиқ арабча нашри амалга оширилган. Китобнинг биринчи қисмида, Розийнинг 184 та асарлари номи, иккинчи қисмида эса, Берунийнинг 1 дан 113 гача рақамлаган асарлари рўйхати келтирилган. Берунийга бағишлаб ёзилган 25 та асар рўйхати эса 1 дан 25 гача алоҳида рақамланган. [29; 27: 165].

1955 йил Қохирада маҳаллий арабшунос Д. Буало ҳам П. Краус томонидан чоп этилган “Фиҳрист”и асосида Беруний асарлари рўйхатини тузади. Унга П. Краус рўйхатидаги 113 та асар номига Берунийга бағишланган 25 та асарни ҳам киритган [27: 166]. Бу рўйхат бугунги кунгача Беруний асарларининг энг тўлиқ рўйхати ҳисобланади [21: 290–311]. Д. Буалонинг изланишлари натижасида дунё кутубхоналарида мавжуд бўлган барча манба, қулёзма, каталоглар, ўзигача мавжуд бўлган аллома асарлари юзасидан олиб борилган тадқиқотлардаги маълумотларни қиёслаган ҳолда Беруний асарлари рўйхати сонини 180 тага етказган [27:161–172]. Ҳозиргача бизга 33 та асар етиб келганини ҳисобга оладиган бўлсак [7: 35–36], Беруний меросининг 80%и ҳали номаълум, ўрганилмаганлиги келиб чиқади.

Берунийшуносларнинг ёзишича, “Фиҳрист” – олим асарлари номи саналган асосий манбадир. Чунки, унда берилган жами 113 та асардан 92 тасининг номига Беруний асарларида иқтибос келтирган, шунингдек, бошқа муаллифлар асарлари ва ўрта аср каталогларида ҳам бу асарлар номлари келтирилган [27: 250].

А. Беленицкий ва П. Булгаков тадқиқотларига кўра, Беруний “Фиҳрист”ида асарларини 13 та гуруҳга ажратган [13: 288]. Бироқ унда А. Беленицкий 106 та [19: 285–286], П. Булгаков 113 та асар номи берилган деб ҳисоблаганлари ҳолда ҳар икки муалиф ҳам Берунийга бағишлаб ёзилган 25 та асар номини келтирмайди [21: 289, 290–312]. Ваҳоланки, аллома ўзи ёзган ва унга бағишланган асарларни ажратмаслиги борасида шундай ёзади: “Булар ҳам бамисоли бағримдаги ўгай болаю, бўйиндаги маржоннинг ўзи, мен булар билан ўғиллар орасини ажратмайман” [19: 288; 20: 241], “чунки, менинг номимдан уларни [асарларни] авайлашган” [27: 165]. Бу изоҳ Д. Буало томонидан шундан талқин этилган, 25 та асар аслида Берунийга бағишланган эмас, аксинча, Берунийга тегишли ва узтозу шогирдлари олим асарларини, алғов-далғовли даврда унинг учун асраб-авайлашган, яъни ундан эшитганларини ёзганлар. Шунинг учун ҳам Д. Буало “Фиҳрист”идаги мазкур асарлар рўйхатини П. Краус тузган 1 дан то 113 гача кетма-кетлигини давом эттирган ҳолда 114 дан то 138 гача тарзда, рақамлаб киритган [27: 166, 176–241]. Бироқ П. Булгаков Д. Буало талқинидан тўлиқ фойдаланган бўлса-да, мазкур 25 та асарни Берунийга тегишли деб тан олмаган [21: 290–312, 307].

Шундай қилиб, “Фиҳрист”да Беруний ўз асарларини жами 15 та гуруҳга бўлиб таснифлайди, яъни 13 таси мавзу жиҳатидан номланган [21: 288], 2 таси номланмаган. Асарлар гарчи мавзу жиҳатидан гуруҳланган бўлса-да, уларда хронологик кетма-кетлик таъминланмаган. “Фиҳрист”ни

тадқиқ қилган олимларнинг бу борада қилган ишларини қуйидаги жадвал орқали ифодалаймиз:

Абу Райҳон Беруний “Фиҳристи”даги гуруҳлар, асарлари сони ва уларнинг олимлар талқинидаги қиёси

№	Беруний “Фиҳристи”даги гуруҳлар ва асарлар сони (1036 й.) (А.Расулов таржимаси. 1973 й.)	П. Краус талқини (1936 й.)	Д. Буало талқини (1955 й.)	П. Булгаков талқини (1972 й.)
1.	Номи берилмаган, лекин унда мазмун жиҳатидан зиж ва астрономияга оид асарлар жамланган. 1 дан 18 гача рақамланган.	Номи берилмаган, гуруҳ 1–18 гача рақамланган	Гуруҳлан-маган, 1–18 гача рақамлан-ган	Номи берил-маган, гуруҳ 1–18 гача рақамланган
2.	Шаҳарларнинг узунламалари, кенгламалари, бирининг зенитини иккинчисиники билан боғлиқлиги ҳақида ёзганларим. 1 дан 15 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 9–33 гача рақамланган	Гуруҳланма-ган, 19 –33 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 1–15 гача рақамланган
3.	Ҳисоб фанига оид ишлаган асарларим. 1 дан 8 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 34–41 гача рақамланган	Гуруҳланма-ган, 34–41 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 1–8 гача рақамланган
4.	Нурлар ва ўтиш жойлари ҳақида ёзилган асарларим. 1 дан 4 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 42–45 гача рақамланган	Гуруҳланма-ган, 42–45 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 1–4 гача рақамланган
5.	Астрономия асбоблари ва буларни ишлатиш ҳақида битган асарларим. 1 дан 5 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 46–50 гача рақамланган	Гуруҳланма-ган, 46–50 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 1–5 гача рақамланган
6.	Замонлар, вақтларга	Худди	Гуруҳланма-	Худди

	алоқали масалалар ҳақида ёзганларим. 1 дан 5 гача рақамланган	шундай номланган, 51–55 гача рақамланган	ган, 51–55 гача рақамланган	шундай номланган, 1–5 гача рақамланган
7.	Думли [комета] ва кокилли юлдузларга бағишлаб ёзганларим. 1 дан 5 гача ва яна 1 дан 12 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 56–72 гача рақамланган	Гуруҳланма-ган, 56–72 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 1–5 гача ва яна 1-12 гача рақамланган
8.	Юлдузшуносликка оид ёзган асарларим. 1 дан 7 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 73–79 гача рақамланган	Гуруҳланма-ган, 73–79 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 1–7 гача рақамланган
9.	Ҳазил-мутойибадан иборат латифагўйлик йўлида юрадиган асарларим. 1 дан 13 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 80–92 гача рақамланган	Гуруҳланма-ган, 80–92 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 1–13 гача рақамланган
10.	Турли эътиқодларга тегишли асарларим. 1 дан 6 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 93–98 гача рақамланган	Гуруҳланма-ган, 93–98 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 1–6 гача рақамланган
11.	Мен ёзиб қўлимдан кетган ёки оққа кўчирилмаган нусхалар. 1 дан 5 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 99–103 гача рақамланган	Гуруҳланма-ган, 99–103 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 1–5 гача рақамланган
12.	Номи берилмаган, шартли равшда ёшлик пайтида ёзиб, кўнгли тўлмасдан, уларни тўлдириб қайта ёзишни ният қилган ҳамда тамомланмаган, оққа кўчирилмаган асарлар. 1 дан 10 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 104–113 гача рақамланган	Гуруҳланма-ган, 104–113 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 1–10 гача рақамланган
13.	Менга бошқаларнинг атаб ёзган асарлари. 1 дан 12 гача	Худди шундай номланган,	Гуруҳланма-ган, 114–125 гача	Берилмаган

	рақамланган	1 дан то 12 гача рақамланган	рақамланган	
14.	Абу Саҳл Исо ибн Яхё ал-Масиҳийнинг менга атаб ёзган китоблари. 1 дан12 гача рақамланган	Худди шундай номланган, 1–12 гача рақамланган	Гуруҳланма-ган, 126–137 гача рақамланган	Берилмаган
15.	Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ал-Жилийнинг менга атаб ёзган асарларидан. 1 сони билан рақамланган	Худди шундай номланган, 1 сони билан рақамланган	Гуруҳланма-ган, 138 сони билан рақамланган	Берилмаган
Жами	15 та гуруҳ, Берунийнинг 113 та асари ва унга бағишланган 25 та асар.	15 та гуруҳ, Берунийнин г 113 та асари ва унга бағишланган 25 та асар.	Гуруҳланма-ган, Берунийнинг 113 та асари ва унга бағишланган 25 та асар.	13 та гуруҳ ва Берунийнинг 113 та асари.

Юқоридаги таҳлилдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Беруний “Фиҳрист”ида ҳаммаси бўлиб 104 та ўзи ёзган, 9 та таржима ва таҳлил қилган (жами 113 та) ҳамда 25 та унга бағишланган, ҳаммаси бўлиб 138 та асари номини келтирган. Улар 15 та гуруҳга ажратилган.

Беруний асарлари сонининг бу қадар баҳсталаб бўлишига яна бир сабаб шуки, у “Фиҳрист”ни тузганидан кейин 13 (14 – Д. Буалода [27: 166]) йил яшаган ва бу давр ичида яна 50 та китоб ёзган. Демак, “Фиҳрист”идаги 113 та ва ундан кейин ёзган 50 та асарини жамланганда, умумий қиймат 163 тани ташкил қилади [7: 21]. Лекин Д. Буало рўйхати ва покистонлик олим Н.А. Балуч маълумотига кўра, Беруний асарларининг сони 180 дан ортиқ бўлган [27: 172; 28: 68]. П. Булгаков эса Берунийнинг 180 та асари қайд этилган Д. Буало томонидан тўлдирилган рўйхатдан фақат 146 та асар номини қабул қилгани ҳолда қолганига аниқлик киритиш кераклигини ёзган [21: 307]. Лекин тан олиш керакки, П. Булгаков ҳам Беруний асарларини фақат номидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилган ёки рад этган. Англашимиз зарурки, берилган ҳар бир асар таркибида нечта асар сақланган бўлиши, номи ўхшаган билан таркиби бошқа асар бўлиши мумкин, номи бир-бирини такрорлагани учунгина уларни рўйхатдан олиб ташлаш ярамайди. Аслида Д. Буалонинг меҳнати таҳсинга сазовор. У Беруний асарларининг ҳар бирини қайси манбадан олингани, дунёнинг

қайси кутубхонасида нечта асари сақланаётганини жадваллар орқали кўрсатган ҳолда алломанинг 40 та асарини санайди, ундан 16 таси “Фиҳрист”да келтирилган [27: 250–253]. П. Булгаков эса, ундаги 11 та асарни Берунийнинг ўзи эмас, шогирдлари ёзганидан келиб чиқиб, уларни рўйхатдан чиқаради. Айни пайтда П. Булгаков рўйхатга 1955 йилда ҳали Д. Буало бехабар бўлган, яъни XX асрнинг 70-йилларида чоп этилган алломанинг “Ғуррат аз-зижжат” (“Зижлар сараси”) номли асарини қўшиб, жами 30 та асари бизгача етиб келганини таъкидалайди [21: 309]. Ўз навбатида, берунийшунослар шу даврда аниқланган “Кхандакхадьяка” (“Астрономиялар қанди”) номли асарни Берунийга нисбат берган ҳолда олимнинг бизгача 31 та асари етиб келган деб ҳисоблаганлар [21: 309].

1983 йилда чоп этилган Б.А. Розенфельд ва Г.П. Матвиевскаяларнинг “Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII–XVII вв.)” (“Мусулмон ўрта асрларининг математик ва астрономлари ҳамда уларнинг асарлари (VIII–XVII а.)”) китобида Абу Райҳон Берунийнинг “Фиҳрист”га кирган 98 та ва унга кирмаган 9 та, жами 107 та асари номи келтирилган. Мазкур рўйхатда 1955–1983 йилларда, яъни Беруний асарлари хусусида Д. Буалодан кейин амалга оширилган тадқиқотлар, турли манбаларда алломага нисбат берилган лекин бизгача етиб келмаган асарлари ҳамда дунё кутубхоналарда сақланаётган Беруний асарлари номи, инвентарь рақамлари билан келтирилган. [23: 264–295]. Б.А. Розенфельд изланишларни давом эттирган ҳолда ушбу асарнинг 2003 йилда тўлдирилган, инглизча нашрида Беруний “Фиҳрист”ига кирган 103 та ва унга кирмаган 12 та жами 115 та асари номини келтиради [30:144–156].

Бу борада А. Аҳмедовнинг 2015 йилгача олиб борган тадқиқотлари натижасида эса Берунийнинг бизгача етиб келган асарлари сони 33 та эканлиги аниқланган [7: 36].

1957–2018 йиллар мобайнида Ўзбекистонда Абу Райҳон Берунийнинг “Танланган асарлар” силсиласига кирувчи VIII та жилди рус ва ўзбек тилларида чоп этилган бўлиб, унинг таркибидан олимнинг фундаментал асарлари ўрин олган [12; 13; 10; 8; 11; 15; 17; 6; 7].

2020 йил 15 январда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази томонидан “Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликлар – меросимизнинг ажралмас қисми” мавзусидаги брифингда марказ директори Р. Баҳодиров берган маълумотга кўра, Берунийга тегишли 7 та асар номи берилган рўйхат аниқлангани, уни таҳлил қилиш учун ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг берунийшунос олими А.Аҳмедовга топширганлиги айтиб ўтилди [25]. Бу эса Беруний асарлари рўйхати янада кенгайишига умид бағишлайди.

Хулоса ўрнида эса қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Абу Райҳон Беруний “Фиҳрист”ида жами 113 та асар номи келтирилган, ундан 104 тасини олим яратган ва бошқа муаллифнинг 9 та асарини таржима ва таҳлил қилган.

2. “Фиҳрист”даги 113 та асарга 25 та Берунийга бағишланган асарлар қўшиб ҳисобланса, рўйхатда ҳаммаси бўлиб 138 та асар номи келтирилган.

3. Д. Буало ва Н. Балучч тадқиқига кўра, Беруний илмий меросини 180 та асардан иборат бўлиб, бизгача 40 та асари етиб келганини манбалар асосида далиллаган.

4. П. Булгаков эса Беруний меросини 146 та асар ташкил қилиб, улардан фақат 31 та асари бизгача етиб келганини таъкидлайди.

5. А. Аҳмедов талқинига кўра, бизгача 33 та асари етиб келган.

6. Фикримизча, Беруний мероси 180 та асарни ўз ичига олади ва 33 та асари бизгача етиб келган.

Мақоламиз сўнгида Беруний “Фиҳрист”идаги: “Сен мен томонимдан, ёшлигимда ва кейинчалик ёзиб қолдирган китобларимнинг ҳаммасини билишинг зарур. Уларни ташлама ва бепарво бўлма...” хитобини яна бир бор келтиришни лозим топдик [19: 288]. Чунки олимнинг 180 та асаридан 33 таси бизгача етиб келган ва улардан 15 та асари ўзбек ва рус тилларига таржима қилинган (ғарб тилларидаги таржималари ҳам мавжуд). Бу эса Абу Райҳон Беруний илмий меросининг атрофлича тадқиқ этилиши бугунги кундаги берунийшуносликнинг долзарб вазифаси эканини кўрсатмоқда.

Фойдаланган адабиётлар

1. Абу Райхан Бируни. Избранные произведения. Индия / Перев. А.Б. Халидова, Ю.Н. Завадовского. Комм. В.Г. Эрмана, А.Б. Халидова. Т. II. Ташкент, 1963.
2. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Канон Масъуда. Часть I. Книги I–V. / Исслед. перев. и прим. П.Булгакова, Б.Розенфельда. Т. V. Ташкент, 1973.
3. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Канон Масъуда. Часть II. Книги VI–XI / Исслед. перев. и прим. Б.Розенфельда, А.Ахмедова. Т. V. Ташкент, 1976.
4. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Книга вразумления начаткам науки о звездах / Исслед. перев. и прим. Б.А. Розенфельда и А. Ахмедова. Т. VI. Ташкент, 1975.
5. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Математические и астрономические трактаты / Исслед. перев. и прим. П. Булгакова, Б.Розенфельда. Т. VII. Ташкент, 1987.

6. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Малые трактаты / Предисловие, перевод и комментарии А. Ахмедова. Т. VIII. Ташкент, 2018.
7. Абу Райхан Беруни. Памятники минувших поколений / Перевод М. Сале. Доп. исп. подготовка к печати, вводный текст А. Ахмедова. Ташкент, 2015.
8. Абу-р-Райхан Мухаммед ибн Ахмед ал-Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия) / Перевод А. М. Беленицкого, статьи и примечания А. М. Беленицкого и Г. Г. Лемлейна, Москва, 1963.
9. Абу Рейхан Бируни. Избранные произведения. Памятники минувших поколений / Исслед., перев. и прим. М.А. Салье. Т. I. Ташкент, 1957.
10. Абу Рейхан Бируни. Избранные произведения. Определение границ, мест для уточнения расстояний между населенными пунктами (Геодезия) / Исследование, перевод и примечания П. Г. Булгакова. Т. III. Ташкент, 1966.
11. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Фармакогнозия в медицине (Китаб ас-Сайдана фи-т-тиб) / Исследования, перевод и примечания и указатели У.И. Каримова. Т. IV. Ташкент, 1974.
12. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Араб тилидан таржима А. Расуловники. Изоҳлар И. Абдуллаев, А. Расуловники. Т. I. Ташкент, 1968.
13. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ҳиндистон / Араб тилидан таржима А.Расулов, Ю. Ҳакимжонов, Ғ. Жалоловники. Сўз боши ва изоҳлар А. Ирисовники. Т.II. Тошкент, 1965.
14. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Турар жойлар орасидаги масофаларни аниқлаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш (Геодезия) / Араб тилидан таржима А.Аҳмедовники. Т.III. Тошкент, 1982.
15. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Қонуни Масъудий. 1-китоб / Таржимон А. Расулов. Сўз боши ва изоҳлар муаллифи А.Аҳмедов ва А.Расуловлар. Т. V. I–V мақолалар. Тошкент, 1973.
16. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Қонуни Масъудий. 2-китоб / Араб тилидан таржима А.Расуловники. Т. V. VI–XI мақолалар. Тошкент, 1976.
17. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Тафҳим (Мунажжимлик санъати (астрология) негизларини тушунтириш китоби / Араб тилидан таржими, сўз боши ва изоҳлар муаллифи А. Аҳмедов. Т. VI. Тошкент-Урганч-Хива, 2006.
18. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Қимматбаҳо жавоҳирлар ҳақида билимлар / Таржимон А.Қаюмов. Тошкент, 2017.
19. Беленицкий А.М. Краткий очерк жизни и трудов Бируни // Абу-р-Райхан Мухаммед ибн Ахмед ал-Бируни. Собрание сведений для

познания драгоценностей (Минералогия) / Перевод А. М. Беленицкого, статьи и примечания А. М. Беленицкого и Г.Г. Лемлейна, Москва, 1963.
20. Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига / Масъул муҳарирлар: Каримов У.И., Ирисов А. Тошкент, 1973.
21. Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. Ташкент, 1972.
22. Крачковский И.Ю. Ал-Бируни и географы в XI в. на Востоке. Избранные сочинения. Т. IV. Москва–Ленинград, 1957.
23. Розенфельд Б.А., Матвиевская Г.П. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII–XVII вв.). Москва, 1983.
24. Тўраев Б. Абу Райҳон Беруний. Тошкент, 2011.
25. Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликлар – меросимизнинг ажралмас қисми / URL: htpp://uza.uz/oz/society/ummondan-dur-terib–15-1-2020
26. Alberuni. Chronologie Orientalischer Völker / Ed. Eduard Sachau. Leipzig, 1878.
27. Boilot D. J. L'Oeuvre d'al – Beruni, essai bibliographique. Caire, 1955.
28. Ghurrat al-Zijat or Karana Tilaka / Prepared for publication by N.A. Baloch. Pakistan, 1973.
29. Kraus. P. Epitre de Biruni. Paris, 1936.
30. Rozenfeld B.A., Ihsanog'lu E. Mathematicians, Astronomers and Other Scholars of Islamic Civilization and their works (7^{th} –19^{th} c.). Istanbul, 2003.

У. Куранбаева

Абу Райҳон Берунийнинг "ал-Фиҳрист"идаги асарлар хусусида

Ушбу мақола Абу Райҳон Беруний "Фиҳрист"ида келтирилган асарлар рўйхатига бағишланган. Унда "Фиҳрист"ни тадқиқ қилган олимларнинг илмий асарлари солиштирилади ва таҳлил этилади, бугунги кунда Беруний мероси нечта асардан иборат эканлигига жавоб изланади.

Калит сўзлар: *фиҳрист, зиж, Хоразм, Э. Захау, П. Краус, Д. Буало, П. Булгаков.*

У. Куранбаева

О трудах Абу Райхана Беруни в «Фихрист»е

Это статья посвящена списку трудов, упомянутых в «Фихрист»е Абу Райхана Беруни. В статье сравниваются и анализируются научные труды ученых, которые изучали «Фихрист», а также проводится поиск ответа на вопрос о количестве произведений наследия Беруни.

Ключевые слова: *фихрист, зидж, Хорезм, Э. Захау, П. Краус, Д. Буало, П. Булгаков*

U. Kuranbaeva

On the works of Abu Rayhan Biruni in "al-Fihrist"

This article is devoted to the list of works mentioned in the "Fichrist" Abu Rayhan Biruni. The article compares and analyzes the scientific works of scientists whu studied Fichrist and answers the question of how many works make up Biruni's heritage.

Keywords: *Fihrist, Zij, Khorezm, E. Zachau, P. Kraus, D. Biolot, P. Bulgakov.*

М. Равшанова

Проблема формирования личности в философии Абу Райхана Беруни и Кимура Бин

В эпоху глобализации, которой удалось охватить весь мир, включая Узбекистан и Японию, в контексте поиска национальной идентичности, самоидентификации и духовного возрождения, следует обратиться к философскому наследию прошлого с учетом требований настоящего. Актуальность изучения этой темы также обусловлена тем, что динамичное развитие науки и техники сильно повлияло на нравственное и духовное воспитание подрастающего поколения. Духовное образование людей и особенно молодого поколения должно быть главной проблемой всех государств, несмотря на их политические, социальные, религиозные и другие убеждения. Духовно-нравственное совершенствование достижимо только в обществе свободных людей, исповедующих высокие жизненные идеалы, а также воспитанных в гармоничной среде. Поэтому в нашей стране большое внимание уделяется воспитанию подрастающего поколения, формированию духовности и нравственности граждан. Формирование личности во многом связано с духовно-нравственными принципами. Формирование гармонично развитой личности начинается с воспитания, уважения к культуре, почитания традиций, знания родного языка и т. д. Моральное воспитание является неотъемлемой частью единого процесса государственного образования. Проблема совершенствования человека была поставлена восточными философами как проблема человека, который